

Ўзбекистон Республикаси
Қашқадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180100, Мустақиллик-2, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича МВ нинг 2008 й. 14 мартдаги АФ №00376 рақамли лицензиясига эга.

**Қашқадарё вилоят «AGROKIMYONIMOYA» акциядорлик жамиятининг
2017 йил 31 декабрь
ҳолатидаги молиявий ҳисоботларига**

**ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи: Қашқадарё вилоят «AGROKIMYONIMOYA» акциядорлик жамияти
СТИР рақами: 202 154 632. ОКОНХ коди: 80400.
Манзил: Қарши шаҳри, Жайхун кўчаси, 43-уй.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Жабборов Зариф Тошматович (аудитор малака сертификати рақами №05547, МВ томонидан 23.02.2018 й. берилган) томонидан Қашқадарё вилоят «AGROKIMYONIMOYA» акциядорлик жамиятининг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз Қашқадарё вилоят «AGROKIMYONIMOYA» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамазнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Корхонанинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатида ҳисобланган солиқ ҳамда мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш ва молиявий ҳисоботларга тегишли тузатишлар киритиш тавсия қилинади.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос буладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботларга таъсирдан ташқари, Қашқадарё вилоят «AGROKIMYOHI MOYA» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари :

Аудитор:

Сана 30.04.2018 й



З.Эргашева

З.Жабборов.